

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЙИТОВ ИЛХОМ БАХОДИРОВИЧ

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИНИ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА
ДАВОЛАШДАГИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАКТИКАНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Хайитов Илхом Баходирович

Жигар эхинококкозини жарроҳлик усулида даволашдаги
дифференциал тактикани ишлаб чиқиш..... 3

Хайитов Илхом Баходирович

Разработка дифференцированной тактики хирургического
лечения эхинококкоза печени..... 31

Khayitov Ilkhom Bakhodirovich

Development of differentiated surgical tactics
treatment of liver echinococcosis..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЙИТОВ ИЛХОМ БАХОДИРОВИЧ

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИНИ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА
ДАВОЛАШДАГИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАКТИКАНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Tib717 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:	Тешаев Октябр Рухуллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Арипова Назира Уктамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Мусашайхов Хусанбой Таджибаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент Хакимов Дилшодбек Мамадалиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Остона тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, кистоз эхинококкоз бутун дунёда кенг тарқалган ва Антарктидадан ташқари барча қитъаларда учрайди. Эндемик ҳудудларда одамларда кистоз эхинококкоз билан касалланиш даражаси йилига 100 000 кишига 50 дан ошиши мумкин, Аргентина, Перу, Шарқий Африка, Марказий Осиё ва Хитойнинг баъзи қисмларида тарқалиш даражаси 5-10% гача етиши мумкин¹. Ўзбекистон Республикаси – Марказий Осиёдаги аҳоли энг зич яшайдиган минтақа ҳисобланади. Афсуски бизнинг мамлакатимиз эхинококкоз касаллигининг эндемик ўчоқларидан бири бўлиб, касаллик республиканинг барча ҳудудларида қайд этилган. Бироқ Ғарбий Европада ҳам, асосан эндемик мамлакатлардан иммигрантларнинг кириб келиши туфайли эхинококкоз ноёб касаллик ҳисобланмайди. Аксарият беморларда, агар даволанмаса ҳаёт учун хавфли бўлиши мумкин бўлган оғир клиник синдромлар кузатилади. Ҳатто даволанганда ҳам, одамларнинг ҳаёт сифати кўпинча пасаяди. Ўзбекистонда ҳар йили эхинококкоз билан боғлиқ 4000 га яқин ташрихлар ўтказилади. Хирургик беморларда ташрихдан кейинги ўлим даражаси ўртача 2,2% ни ташкил қилади ва 6,5% ҳолларда рецидивлар кузатилади, бу эса узоқ муддатли тикланиш даврини талаб қилади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда эхинококк касаллигини хирургик даволашнинг янги усулларини ҳамда эхинококкозда комбинацияланган иммун назорат нуқталарига таъсир қилувчи янги дориларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, лапароскопик ва “очиқ” жарроҳлик усуллари натижалари билан таққослаганда турли хил усуллардан фойдаланган ҳолда тери орқали даволашнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, кистоз эхинококкозда хўжайин-паразит ўзаро таъсирини яхшироқ тушуниш учун гидатид суюқлигининг дендрит хужайраларга, шунингдек унинг аутофагия индукциясига ва Т-хужайраларнинг кейинги реакцияларига таъсири тадқиқ қилинмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида профилактика, консерватив ва хирургик даволашнинг илғор технологияларини жорий этиш орқали эхинококкоз касаллигини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан , каминвазив жарроҳлик аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатларини ишлаб чиқиш асосида диагностика мажмуасига дифференциал ёндашиш орқали жигар эхинококкозини хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/echinococcosis>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

аҳамияти туфайли хирургиянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Жигар эхинококкозини жарроҳлик усулида даволашда дифференциал тактикани ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Nebraska-Lincoln, Food allergy Institute of North Texas, Rheumatology and Allergy institute of Connecticut LLC (АҚШ); University Medical Centre Groningen (Голландия); Imperial College London (Буюк Британия); University College Cork (Ирландия); University Hospital Zürich (Швейцария); Charité Universitätsmedizin Berlin (Германия); Committee for Japanese Pediatric Guideline for Food Allergy, The Japanese Society of Pediatric Allergy and Clinical Immunology, Japanese Society of Allergology (Япония); National Institute of Nutrition (Ҳиндистон); Россия «Иммунология институти ДИМ» ФДБМ (Россия Федерацияси), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жигар эхинококкози билан оғриган беморларни ташхис сифатини ошириш, периперацион олиб бориш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: эхинококк кистасининг 3 таркибий қисмли тузилиши очилди: зич ва тотали ҳимоя соҳасини ташкил қилувчи

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.roseman.edu, www.delamed.org, www.berkeley.edu, www.columbia.edu, www.unict.it, www.uio.no, www.najah.edu, www.mahsa.edu.my, www.cgu.edu.tw, www.tma.uz, www.uv.es, www.unav.edu, www.aegean.gr, www.rivm.nl, www.utm.my, www.sibs.cas.cn, www.wit.edu.cn, www.unimelb.edu.au, www.yonsei.ac.kr, www.hi.is, www.miun.se, www.bristol.ac.uk, www.keele.ac.uk, www.ujaen.es, www.ucsc.edu, www.umontreal.ca, www.ucd.ie, www.taibahu.edu.sa, www.sysin.ru, www.uefs.br, www.toko.edu.tw, tu-dresden.de, www.ui.ac.id, www.scemz.ru, www.universityofcalifornia.edu; www.vanderbilt.edu; www.rutgers.edu; www.ouhsc.edu; www.umich.edu; www.ucalgary.ca; www.en.tongji.edu.cn; www.cuhk.edu.hk; www.yamanashi.ac.jp; www.nymue.ym.edu.tw; www.ed.ac.uk; www.lunduniversity.lu.se; www.sdu.dk; www.upf.edu; www.uva.nl; www.osu.edu; www.sum.edu.pl; www.unina.it; www.en.uoa.gr; www.sydney.edu.au ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

модификацияланган хўжайин-хужайрадан иборат ташқи перицист; ўрта – метаболизмини таъминловчи кўп қаватли хужайрали мембрана ва паразитнинг личинка босқичи шаклланадиган ички муртак қавати (Hospital Clínico San Carlos, Universidad Complutense, Мадрид, Испания); макро- ва микроскопик тадқиқотлар инсон жигарида *Echinococcus granulosus* личинка шаклининг кетма-кет ва босқичма-босқич ўзгариши ва дегенерацияси билан эхинококк кистасининг сезиларли морфотузилмали ўзгарувчанлигини кўрсатди (Исфахон тиббиёт фанлари университети, паразитология ва микробиология кафедраси, Исфахон, Эрон); эхинококк кисталари ёрилиши ёки иккиламчи инфекцияга айланиши, ҳаёт учун хавфли асоратларга олиб келиши ва атрофдаги тузилмаларга катта таъсир кўрсатиши кўрсатилган (Дигестив ва қон-томир хирургия маркази, Шинжон тиббиёт университетининг биринчи филиал касалхонаси, Урумчи, Хитой); эхинококкоз ҳар қандай аъзо ва тўқималарни зарарлаши аниқланган, кўпинча паразит жигар (44-84%), сўнгра ўпкада (20%), камроқ бош мия, буйрақлар ва талокда жойлашади (King Edward тиббиёт университети, Лахор, Покистан); ҳозирги вақтда хирургик даволаш ЖЭда танлов усули эканлиги исботланган (ЖССТнинг одам эхинококкозининг олдини олиш ва даволаш бўйича ҳамкорлик маркази ва Франциянинг эхинококкоз миллий маркази, Безансон, Франция); марсупиализация, ташқи дренажлаш, капитонаж, интрофлексия ва оментопексия каби қолдиқ бўшлиқни бартараф қилишнинг турли усуллари тавсифланган (Ошқозон-ичак хирургия бўлими, Туркия Yuksek Ihtias шифохонаси, Анқара, Туркия).

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Беморлардаги ЖЭни ижобий якуни беморни кўзда тутилаётган жарроҳлик амалиётига мослашишига қаратилган, жарроҳлик амалиётдан олдин кўриладиган тайёргарликнинг тўғрилигига; мос холда танлаб олинган даволаш тактикасига; жарроҳлик амалиётдан кейинги асоратларни олдини олишга боғлиқ бўлади. Бошқа ЖЭни қайталанишига, жарроҳлик амалиётдан кейинги асоратлар ва ўлимга олиб келувчи муҳим омил бўлиб мос бўлмаган жарроҳлик амалиёти олди кимёвий даволаш усулларида фойдаланиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ЖЭ жарроҳлик йўли билан даволашнинг асосий тамойили бўлиб рецидивланишнинг пастлиги ва реабилитациянинг қисқалиги асосий мезон бўлиб турибди. Муаллифларнинг фикрича (Ferrer Inaebnit E ⁴) «сўнги йилларда ЖЭ даволаш жуда муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда».

Жаҳон амалиётдан маълумки (Akhan O et all, 2020, Шабунин А.В., 2021, Yang Y.R et all, 2006), жигар эхинококкози (ЖЭ) эндемик минтақаларда истикомат қилувчи меҳнатга яроқли шахслар, айниқса репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида сонини ортиб бориши, оддий жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари самарадорлигини пастлиги, жарроҳлик амалиётдан кейинги маҳаллий ва умумий асоратлар сонининг катта сонда эканлиги, тез-тез учрайдиган қайталанишлар ва жарроҳлик амалиётдан кейинги даврда иш

⁴Ferrer Inaebnit E, Molina Romero FX, Segura Sampedro JJ, González Argenté X, Morón Canis JM. A review of the diagnosis and management of liver hydatid cyst. Rev Esp Enferm Dig. 2022 Jan;114(1):35-41. doi: 10.17235/reed.2021.7896/2021. PMID: 34034501.

кобилиятини чегараланиши, уларнинг ҳаёт сифатини пасайиши, ушбу муаммони амалий соғлиқни сақлашнинг ўта мухим ижтимоий-иқтисодий вазифаларидан бири сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Ҳозирги кунга келиб, жигар эхинококкозидаги истиқболли йўналиш бўлиб ЖЭни қайталанишини олдини олувчи усуллардан фойдаланиш, даволашнинг юқори технологик кам инвазив усуллари қўллаш ва қиёсий тактикани ишлаб чиқиш ҳисобланади. Жигар паренхимасига эхинококкоз кистасининг декомпрессияси жавобига ўтли оқма яраларни оқиб кириши ва қолган бўшлиқни йиринглаши, сероз-геморрагик суюқлик маҳсулотининг ортиш муаммоси ҳал этилмасдан қолмоқда. Томирлар ва ўт йўллариининг архитектурони, сегментлар бўйича кисталарни жойлашиши ҳамда жигар эхинококкози қаватларини жойлашиши учун замонавий ташхислаш аппаратуралари ва ҳ.к.лардан фойдаланиш имкониятлари тўлиқ очиб берилмаган. Шу билан боғлиқ ҳолда ЖЭ билан оғриган беморларда жарроҳлик тактикасини келгусида яхшилашда қўлланиладиган замонавий текшириш усуллари, такомиллаштирилган қиёсий жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқилиши, касалликни қайталанишлар сонини қисқартиришга, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврни кечишини башоратлаш имкониятини таъминлашга ва асоратлар сонини қисқартиришга имкон беради.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги даврда ЖЭнинг ташхислаш-даволаш тактикаси замонавий жарроҳликнинг охиригача ечилмаган ва долзарб муаммоларидан бирига таълуқлидир. Юқорида баён этилганлар ЖЭли беморларни жарроҳлик йўли билан даволашга, айниқса организмнинг заҳира имкониятларини баҳолаш билан тайёрлов босқичи нуқтаи назаридан оптимал ёндошувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш заруриятини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011800230-сон «Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси органлари касалликларини замонавий ташхислаш ва даволаш» мавзуси доирасида бажарилган (2020-2023 й.).

Тадқиқотнинг мақсади каминвазив хирургик аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатларини ишлаб чиқиш асосида ташхисот мажмуасига дифференциал ёндашув орқали жигар эхинококкозини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ретроспектив таҳлиллар ва морфологик хулосалар асосида жигар эхинококкозини даволашда PAIR (Puncture, Aspiration, Injection, Re-Aspiration) усулига кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

морфологик хулосалар асосида жигар эхинококкозини даволашнинг ташрих олди ва кейинги даврларида консерватив терапия усулини танлаш орқали рецидивларни олдини олиш;

морфологик таҳлилий хулосалар асосида миниинвазив амалиётларда киста бўшлиғига ишлов беришда оптимал гермицид препаратларни танлаш;

жигар эхинококкози бўлган беморларда ташрих олди тайёргарлиги мобайнида нафас тизимининг захира имкониятларини баҳолаш ва юрак-қон томир тизими функционал ҳолатини динамик баҳолаш мезонларини оптималлаштириш;

лапароскопик даволаш усулига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни такомиллаштириш;

жигарнинг VII-VIII сегментларида жойлашган эхинококкоз кисталарига миниторакофренал кириб бориш усулини такомиллаштириш;

жигар эхинококкозини консерватив ва хирургик даволаш усулларининг тактик алгоритмини ишлаб чиқиш;

жигар эхинококкози туфайли ташрих ўтказилган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2012-2022 йилларда Тошкент шаҳридаги 1-сонли клиник шифохона ва “Инвиво” хусусий шифохоналарининг жарроҳлик бўлимларида стационар даволанган жигар эхинококкози билан касалланган Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларида истиқомат қилувчи 18 ёшдан 82 ёшгача бўлган 424 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предметини диагностика мажмуасига дифференциал ёндашув самарадорлигини, шунингдек каминвазив жарроҳлик аралашувларнинг оптималлаштирилган тактик ва техник жиҳатларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, морфологик, морфогистологик ва статистик тадқиқот усуллари тадқиқот қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жигар эхинококкозини консерватив ва хирургик даволаш усулларининг тактик алгоритми ишлаб чиқилган;

жигарнинг VII-VIII сегментларида жойлашган эхинококк кисталарини хирургик даволашда кам инвазив бўлган миниторакофренал кириб бориш усули такомиллаштирилган;

жигар эхинококкози PAIR (Puncture, Aspiration, Injection, Re-Aspiration) усулида даволанганда 5 см гача ўлчамдаги эхинококк кисталарининг кальцификацияланиши морфологик ва клиник кузатувлар асосида исботланган;

жигар эхинококкози билан касалланган беморларни хирургик даволашни режалаштиришда юкламали синама, спиromетрия кўрсаткичларини мажмуавий динамик баҳолаш бўйича нафас тизимининг захира имкониятларини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари аниқлаштирилган;

жигар эхинококкозида фаол лапароскопия усули жорий қилиниб, морфологик тадқиқотлар натижалари асосида лапароскопик амалиётга кўрсатмалар кенгайтирилган ва қарши кўрсатмалар аниқлаштирилган;

хирургик даволаш натижаларини ва умумсоматик сифатни яхшилашнинг таклиф этилган тактик-техник жиҳатлари қўлланилгандан сўнг беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

мажмуавий тайёргарликни узайтиришни талаб этувчи, ЖЭли беморларда жарроҳлик аралашувининг потенциал ҳавф гуруҳини аниқлашда нафас тизимини заҳира имкониятларини жарроҳлик амалиётидан кейинги таклиф этилган баҳолаш схемасининг самарадорлиги исботланган;

яширин функционал кардиоген бузилишларни оптимал коррекциялаш ва жигар эхинококкозини ҳар хил жойларда жойлашганда режалаштирилган жарроҳлик амалиётда юрак қон-томир тизимлари ҳолатини ташхислашнинг ўзига хосликлари аниқланган;

жигар эхинококкозини даволаш режалаштирилганда дифференциал ёндашувни оптималлаштиришга имкон берувчи, жарроҳлик аралашувини танлаш ва ҳаммабоп бўлишини аниқлаш учун топографик кўрсаткичлар аниқланган;

жигар эхинококк кистасининг турли локализациясида жигар эхинококкэктомиясидан кейинги қолдиқ бўшлиқларни бартараф этишнинг техник имкониятларини яхшилашга имкон берувчи лапароскопик троакарларни киритиш жойини аниқлаш модификацияси таклиф этилган;

РАИР усулининг техник жиҳатлари ишлаб чиқилиб, усулни қўллашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар морфологик экспериментал хулосалар асосида оптималлаштирилган;

нафас ва юрак қон-томир тизимларини заҳира имкониятларини баҳолаш, шунингдек кистанинг типи, жойлашган ўрни ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда жигар эхинококкозини бартараф этиш усулини дифференциал танлашининг тактик алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, клиник амалиётда кенг қўлланиладиган лаборатор ва асбоб–ускуналар ёрдамида текширишларни кенг қўлланганлиги билан асосланади. Барча олинган натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш натижаларининг ишончлилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, ЖЭли беморларни хирургик даволаш ва ташхислашнинг ўзига хосликларини ўрганишга муҳим хисса қўшганлиги, ЖЭли беморлар орасида жарроҳлик аралашувининг потенциал ҳавф гуруҳини аниқлашда нафас ва юрак қон-томир тизимларининг заҳира имкониятларини, жарроҳлик амалиётдан олдин баҳолашни мажмуавий схемасининг ўзига хосликлари аниқлашга, мажмуавий тайёргарликни узайтиришни талаб этувчи, ЖЭли беморларда жарроҳлик аралашувининг потенциал ҳавф гуруҳини аниқлашда, нафас тизимини заҳира имкониятларини жарроҳлик амалиётдан кейинги таклиф этилган баҳолаш схемасининг самарадорлигини асослашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида нафас ва юрак қон-томир тизимлари заҳира

имкониятларини баҳолаш, шунингдек кистанинг типи, жойлашган ўрни ва ўлчамларини ҳисобга олиш билан ЖЭни бартараф этиш усулини дифференциал танлаб олишнинг тактик алгоритми ишлаб чиқилганлиги, ЖЭни даволаш режалаштирилганда дифференциал ёндашувни оптималлаштиришга имкон берувчи, жарроҳлик аралашувини танлаб олиш ва ҳаммабоп бўлишини аниқлаш учун топографик параметрлари ишлаб чиқилганлиги, ЖЭли беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг таклиф этилган тактик-техник жиҳатлари, жарроҳлик амалиёти олди ташхислаш сифатини яхшилашга, асоратлар сони ва ўлим ҳолатларини камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 13 майдаги 05/114-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 26 октябрдаги 09-09549-сон хати тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: жигар эхинококкозини консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволаш усулларининг ретроспектив ва морфологик хулосалар асосида ишлаб чиқилган қиёсий тактик алгоритми Тошкент шаҳри Ибн Сино номидаги 1-сон шаҳар клиник шифохонаси (27.10.2023 й. 162-сон буйруқ) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (04.12.2023 й. 27/2-сон буйруқ) клиник амалиётига татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган қиёсий тактик алгоритмни қўллаш жигар эхинококкози билан оғриган беморларни консерватив ҳамда жарроҳлик усули билан даволаш сифатини яхшилашга, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: таклиф этилаётган усулларни комплекс қўллаш орқали кузатилаётган беморларнинг барча ҳолатларида асоратсиз даволанади. Бунда мажмуавий даво усулларини қўллаш натижасида 5 смгача бўлган ЖЭ кисталари бор беморларнинг стационарда бўлиш муддатини 3 кунга ва амбулатория шароитида реабилитацияси 4 кунга қисқартирди. Бунинг натижасида 1 беморнинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртача миқдори (дори-дармонлар, текширувлар билан биргаликда) 540 480 сўмни ташкил этса, 3 кунлик харажат 1621440 сўмни ташкил этади (Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли шифохонаси). Хулоса: таклиф этилаётган комплекс усулларни амалиётга жорий этилиши бир бемор учун 1621440 сўм иқтисод қилинишига олиб келди. Бунинг натижасида йиллик иқтисодий кўрсаткич 16214400 сўмни ташкил этади (10 нафар бемор учун).

иккинчи илмий янгилик: жигар эхинококк кистаси VII-VIII сегментларда жойлашганда ишлаб чиқилган миниторакофренал кириб бориш усули Тошкент шаҳри Ибн Сино номидаги 1-сон шаҳар клиник шифохонаси (27.10.2023 й. 162-сон буйруқ) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (04.12.2023 й. 27/2-сон буйруқ) клиник амалиётига татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: кичик торакофренал кириб бориш кам жароҳатловчи бўлиб ҳисобланади ва бошқа кириб бориш усулларига

нисбатан солиштирилганда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврни силлик кечишига олиб келади. Мазкур кириш усулидан фойдаланиш беморларни тезроқ оёққа туришига имкон беради ва касалхона ўрнида бўлиш муддатларини қисқартиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: таклиф этилаётган усулларни комплекс қўллаш орқали кузатилаётган беморларнинг барча ҳолатларида асоратсиз даволанади. Беморларнинг стационарда бўлиш муддатини 2 кунга ва амбулатория шароитида реабилитацияси 3 кунга қисқартирди. Операция муддатини ўртача 150 минутдан 110-120 минутгача қисқартирди, яъни 30-40 минут қисқартиради(340000 сўм). Бунинг натижасида 1 беморнинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртача миқдори (дори-дармонлар, текширувлар билан биргаликда) 540 480 сўмни ташкил этса, 2 кунлик харажат 1080960 сўмни ташкил этади (Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли шифохонаси). Хулоса: таклиф этилаётган комплекс усулларни амалиётга жорий этилиши бир бемор учун 1420960 сўм иқтисод қилинишига олиб келди. Бунинг натижасида йиллик иқтисодий кўрсаткич 14209600 сўмни ташкил этади (10 нафар бемор учун). Ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган миниторакофренал жарроҳлик кесмаси орқали жигарнинг VII-VIII сегментида жойлашган эхинококк кистасига кириб бориш, сезиларли даражада операция жароҳатини камайтиради, билиар ва йирингли асоратларининг 32,5% дан 12,4% гача камайишига олиб келади.

учинчи илмий янгилик: жигар эхинококкози PAIR усулида даволанганда 5 см гача ўлчамдаги эхинококк кисталарининг кальцификацияланиши морфологик ва клиник кузатувлар асосида исботланганлиги Тошкент шаҳри Ибн Сино номидаги 1-сон шаҳар клиник шифохонаси (27.10.2023 й. 162-сон буйруқ) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (04.12.2023 й. 27/2-сон буйруқ) клиник амалиётига татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: PAIR усулининг тавсия этилган тактик-техник жиҳатларини қўллаш жигарнинг резидуал эхинококкли кистаси ёки жигар ичи рецидивланувчи кистасини даволашга, беморларда реабилитация вақтини ва асоратлар сонини қисқартиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: таклиф этилаётган усулларни комплекс қўллаш орқали беморларнинг стационарда бўлиш муддатини 3 кунга ва амбулатория шароитида реабилитацияси 4 кунга қисқартирди. Бунинг натижасида 1 беморнинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртача миқдори (дори-дармонлар, текширувлар билан биргаликда) 540 480 сўмни ташкил этса, 3 кунлик харажат 1621440 сўмни ташкил этади (Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли шифохонаси). Хулоса: таклиф этилаётган комплекс усулларни амалиётга жорий этилиши бир бемор учун 1621440 сўм иқтисод қилинишига олиб келди. Бунинг натижасида йиллик иқтисодий кўрсаткич 16214400 сўмни ташкил этади (10 нафар бемор учун). Морфологик таҳлиллар натижасида оҳакланиш жараёни кальций қўшилган натрий хлориднинг 30%ли гипертоник эритмаси қўшилган экспозицияда қайд этилди. Шу сабабли PAIR га кўрсатма бўлиб $5 \geq$ смгача бўлган CE1-CE2-CE3-CE4

типтаги жигар ичи жойлашуви ЖЭ кисталарига, шунингдек қайталанувчи $10 \geq$ смгача бўлган ЭКга қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

тўртинчи илмий янгилик: жигар эхинококкози билан касалланган беморларни хирургик даволашни режалаштиришда юкламали синама, спирометрия кўрсаткичларини мажмуавий динамик баҳолаш бўйича нафас тизимининг захира имкониятларини текширишнинг аниқлаштирилган ўзига хос жиҳатлари Тошкент шаҳри Ибн Сино номидаги 1-сон шаҳар клиник шифохонаси (27.10.2023 й. 162-сон буйруқ) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (04.12.2023 й. 27/2-сон буйруқ) клиник амалиётига татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: операция олди тайёргарлиги даврида нафас тизими захира имкониятларини аниқлаш, жигар эхинококкози билан оғриган беморларни хавф гуруҳини аниқлаш ва махсус операция олди тайёргарлиги сабабли ўпка вентиляциясида захира имкониятларини оширишга ёрдам берди ва юрак етишмовчилиги белгилари кузатилмаган беморлар сонини оширади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: мажмуавий даво усулларини қўллаш ЖЭ кисталари бор беморларнинг стационарда бўлиш муддатини уртача 3 кунга ва амбулатория шароитида реабилитацияси 5 кунга қисқартирди. Бунинг натижасида 1 беморнинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртача миқдори (дори-дармонлар, текширувлар билан биргаликда) 540 480 сўмни ташкил этса, 3 кунлик харажат 1621440 сўмни ташкил этади (Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли шифохонаси). Хулоса: таклиф этилаётган комплекс усулларни амалиётга жорий этилиши бир бемор учун 1621440 сўм иқтисод қилинишига олиб келди. Бунинг натижасида йиллик иқтисодий кўрсаткич 16214400 сўмни ташкил этади (10 нафар бемор учун).

бешинчи илмий янгилик: жигар эхинококкозида фаол лапароскопия усули жорий қилиниб, морфологик тадқиқотлар натижалари асосида лапароскопик амалиётга кўрсатмалар кенгайтирилганлиги ва қарши кўрсатмалар аниқлаштирилганлиги Тошкент шаҳри Ибн Сино номидаги 1-сон шаҳар клиник шифохонаси (27.10.2023 й. 162-сон буйруқ) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (04.12.2023 й. 27/2-сон буйруқ) клиник амалиётига татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: жигар эхинококкозини даволаш учун лапароскопик тотал перицистэктомия ҳам, лапароскопик гемигепатэктомия ҳам радикал натижаларни бериши мумкин, ammo биринчи усул ўзининг кам инвазивлик хусусияти туфайли биринчи танлов усули деб ҳисобланади; лапароскопик субтотал перицистэктомия ва лапароскопик парциал перицистэктомия усулларини узоқ касалхоналарда лапароскопик техникасининг даражаси ва кисталарда асоратларни мавжудлигини ҳисобга олиб, қўшимча вариантлар сифатида қабул қилиниши мумкин. Демак, анъанавий жарроҳлик йўли билан даволанган беморларга нисбатан меъёрий руҳий саломатликдаги беморлар сони 2,4 марта юқори бўлди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Бунинг натижасида 1 беморнинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртача миқдори (дори-дармонлар, текширувлар билан биргаликда) 540 480 сўмни ташкил этса, 4 кунлик

харажат (2161920+560000(операция учун)) 2721920 сўмни ташкил этади (Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли шифохонаси). Хулоса: Шундан келиб чиқиб мазкур амалиётлар натижасида: 1 нафар бемордан 2721920 сўм иқтисод қилинса, бунда йиллик иқтисодий кўрсаткич 27219200 сўмни ташкил этади (10 нафар бемор учун). Касалхонада бўлиш давомийлиги 1 кундан 6 кунгача ўзгариб турди, бунда дифференциал таҳлиллар аста секинлик билан очиқ лапаратомияга нисбатан солиштирилганда касалхонада бўлишнинг янада қисқа давомийлигини намойиш этди.

олтинчи илмий янгилик: хирургик даволаш натижаларини ва умумсоматик сифатни яхшилашнинг таклиф этилган тактик-техник жиҳатлари қўлланилгандан сўнг беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишининг исботланганлиги Тошкент шаҳри Ибн Сино номидаги 1-сон шаҳар клиник шифохонаси (27.10.2023 й. 162-сон буйруқ) ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (04.12.2023 й. 27/2-сон буйруқ) клиник амалиётига татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: жигар эхинококкози туфайли ўтказилган жарроҳлик амалиётидан кейин беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари, фақат анъанавий даво чоралари билан чегараланган гуруҳга нисбатан сезиларли даражада яхши бўлди. Бунда беморларнинг жисмоний фаоллиги, ўз-ўзига хизмат қилиш имконияти ошди, асосий патология маълум жисмоний ҳаракатларни бажаришга сезиларли таъсир кўрсатмади. Шу билан бир қаторда умумий саломатликнинг яхшиланиши, косметик нуқсонларнинг камлиги ва оғриқларнинг пасайиши беморларнинг эмоционал ҳолатини, атрофдагилар билан мулоқатини яхшиланишига олиб келди, тушкунлик, тундлик ва бошқа ҳолатдаги беморлар сони сезиларли камайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: анъанавий жарроҳлик йўли билан даволанган беморларга нисбатан меъёрий руҳий саломатликдаги беморлар сони 2,4 марта юқори бўлди, яъни агар анъанавий йўл билан даволанган беморларда депрессия, хавотирли ўй – фикрлар ва руҳий носоғломликдан азият чекувчи беморлар сони, таклиф этилган даволаш усулида сезиларли даражада ўсди. Хулоса: Жигар эхинококкози операциясидан кейинги ҳаёт сифатини баҳоловчи натижалар асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги кузатилди. Лапароскопик ва PAIR усули билан ўтказилган эхинококкэктомия беморлардаги ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади. Жисмоний ва руҳий саломатлик компонентини сақлаган беморлар сони ошди, уларнинг аксарияти фаол жисмоний ишлаш қобилиятига қайтди, ўзидан эмоционал қониқиш ҳисси пайдо бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 217 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Жигар эхинококкозига замонавий қарашлар ва уни даволаш”**, деб номланган биринчи бобида, жигар эхинококкозини ташхислаш ва даволаши эволюциясига бағишланган, минимал инвазив жарроҳликнинг ривожланишида замонавий тенденциялар ва истиқболлари келтирилган, қўшма жарроҳлик касалликларида симультант амалиётлари усулини танлаш ҳақидаги адабиётлар таҳлили келтирилган олти бўлимдан иборат. Кейинчалик ўрганишни ва ишлаб чиқишни талаб қиладиган муҳокамали ва ҳал қилинмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Материалнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”**, деб номланган иккинчи бобида жигар эхинококкози билан касалланган 424 бемор хусусиятлари келтирилган. Илмий ишда 2019-2022 йилларда “Инвиво” хусусий клиникасида ва 2012 йилдан 2022 йилгача бўлган вақт оралиғида Тошкент шаҳар №1 клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлимида стационар даволанишда бўлган, жигар эхинококкози билан оғриган 424(100%) нафар беморларни даволаш тажрибаси тақдим этилган. Илмий тадқиқотлар ўз ичига ретроспектив ва проспектив қисмларни олди, шунинг учун барча текширилган беморлар II гуруҳга ажратилди. Гуруҳларга киритмасликда асосий шарт бўлиб: оғир соматик касалликлар ва 18 ёшгача бўлган беморлар ҳисобланди. Барча беморлар икки гуруҳга ажратилди. 1- назорат гуруҳ: бу тадқиқот гуруҳимизга 2012-2016 йиллар давомида ЖЭ ташхиси билан даволанган 180(42,5%) нафар беморлар киритилди. Назорат гуруҳдаги ретроспектив таҳлил натижалари асосида даволаш-ташхисий, жарроҳлик амалиёти олди, шунингдек жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси ишлаб чиқилди. 2- асосий гуруҳимиздаги 244(57,5%) нафар беморда 2016-2022 йиллар давомида ташхис-даволаш ишлаб чиқилган алгоритм бўйича олиб борилди. Назорат ва асосий гуруҳимиздаги беморларни ажратиш даврла бўйича ажратилди, яъни 2012-2016 йилларда даволанганлар назорат гуруҳига, 2016-2022 йилларда даволанганлар асосий гуруҳга киритилди.

Клиник материални статистик қайта ишлаш Pentium-IV 2,4 GHz компьютерида Microsoft Office Excel – 2010 дастурида, ўрнатилган статистик ишлов вазифасидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Жигар эхинококк кистасининг гермицид препаратларга таъсирини морфологик таҳлили”**, деб номланган учинчи бобида, фармакологик препаратларнинг турли синфлари бўйича антипаразитар экспозициянинг аниқ вақтини танлаб олиш йўли билан ЖЭ жарроҳлик усули билан даволаш тактикасини аниқлаш бўйича амалий тадбирларни ишлаб чиқиш бўлди. Ва албатта шу билан бирга илмий ишимизнинг асосий мақсад ва вазифаларини инобатга олган ҳолда морфологик текшириш режаси ишлаб чиқилди. Жарроҳлик ёки PAIR амалиётлари ўтказилгандан кейин қолдиқ бўшлиққа ишлов бериш, хитинни минераллашиш(калцификацияланиш) даражаси ва тезлигини аниқлаш масаласи қолади. Бунинг учун бизлар томонимиздан таъсир этиш вақтига боғлиқ ҳолда эхинококкознинг барча элементлари ҳолатига турли антипаразитар препаратларни таъсир даражасини аниқлаш бўйича тажриба тадқиқотлари ўтказилди. Қўйилган вазифани ҳал этиш учун тадқиқотнинг тажриба қисми ўтказилгандан кейин эхинококкозни мавжуд бўлган барча элементлари, хитин қобиғи ўзгаришларининг морфологик кўриниши ўрганилди.

Диссертациянинг **“Жигар эхинококкозидаги кимёвий даволаш ва йўлдош патологиялар фонида жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида стандарт усуллар бўйича кимёвий даволаш ва йўлдош патологиялар фонида жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди. ЖЭли беморларни даволаш натижаларини яхшилаш учун жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни олдини олиш бўйича сифатли дастурларни шакллантиришда маълум концепция талаб этилади. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, нохуш якуний фонга эга бўлган шахслар сони кўпчиликлари ташкил этади, бу эса жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик-техник жиҳатларига қиёсий ёндошув заруриятини таъкидлаб ўтади.

Ҳар икки гуруҳда жигардаги эхинококкэктомияга беморларни жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлиги қуйидагиларни ўз ичига олди: тўлиқ амбулатор текширишлар, юрак-ўпка ҳолатини баҳолаш ва келгусида уларни коррекция қилиш билан йўлдош касалликларни аниқлаш, кўзда тутилган жарроҳлик амалиёти учун меъда-ичак тизимини тайёрлаш, тромбоемболик асоратларни олдини олиш.

Организмнинг функционал захираларини баҳолаш учун барча беморларда ТНФ текширилди. Бунинг учун умум қабул қилинган усуллар бўйича ташқи нафаснинг қуйидаги кўрсаткичлари ўрганилди: Штанге синамаси, нафас сони (НС), нафас ҳажми (НХ),нафаснинг дақиқали ҳажми (НДХ), ўпканинг тириклик сифими (ЎТС), ўпканинг максимал вентиляцияси (ЎМВ), мажбурий нафас чиқариш ҳажми (МНЧХ). Даволашгача ва стандарт тайёргарликдан кейинги 10-15 сутка ўтиб асосий гуруҳнинг ЖЭли беморларида ТНФ кўрсаткичлари 4.1 жадвалда келтирилган.

ТНФнинг асосий параметрлари бўйича жарроҳлик амалиётига беморларнинг тайёргарлигини баҳолашда қуйидаги ўзига хосликлар қайд этилди. Даволаш фонида кўрсаткичларнинг ишончли ўзгариши билан яхши

динамика қайд этилди, бироқ умуман олганда барча параметрларнинг ўртача белгилари қабул қилинган меъёрлардан – 62,2% ҳолларда паст бўлган бўлса, ЎТС эса - 70% ҳолатларда меъёрда бўлди. Нафас бузилишларини коррекция қилиш билан беморларни стандарт мажмуавий тайёрлаш ва дозалаштирилган бандажлаштириш нафас тизимининг компенсатор имкониятларини пасайтириш сони қисқартиришга имкон беради. Ўз навбатида қорин ички босими (ҚИБ)даги динамик ўзгаришлар кўрсатдики, жарроҳлик амалиётига беморларни тайёрлаш учун бандажлаштириш, бу кўрсаткични сезиларли оширади, бунда дозалаштирилган компрессия (ўртача 10 суткада) тайёргарликнинг стандарт муддатларидаги ЖЭ катта хажмларида ҚИБни ишончли пасайтиришга имкон беради. Дозалаштирилган абдоминал компрессия фонида нафас тизимининг заҳира имкониятларини аниқлаш билан жарроҳлик амалиёти олди тайёргарлигини таклиф этилган схемаси жарроҳлик аралашувининг потенциал хавф гуруҳини аниқлашга ва мажмуавий тайёргарликни 90,5%га узайтирилгандан кейинги (244 дан 15 ҳолат) да бандажирлаш фонидаги ҚИБ кўрсаткичларини ишончли пасайтириш билан бирга нафас бузилишларининг регрессиясига эришишга имкон беради.

Нафас тизимини баҳолашга ўхшашлиги бўйича режалаштирилаётган жарроҳлик амалиётини ҳисобга олиш билан юрак қон – томир тизимининг заҳира имкониятларини баҳолашни таклиф этилган усулларини келтириб ўтамыз (*DGU № 21540 «Жарроҳлик амалиётига тайёрлашда юрак етишимовчилиги билан оғриган жигар эхинококкозли беморларининг юрак қон – томир тизимини баҳолаш» 11.01.2023. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги*). Таклиф этилган усулнинг ўзига хос хусусияти бўлиб юрак қон – томир тизимида патологиянинг мавжудлик фактини эмас, балки жарроҳлик амалиётининг юқори хавфи бўлган беморлар гуруҳида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар сони пасайтириш учун айнан заҳира имкониятларининг таҳлили ҳисобланади.

ЖЭни қайталанишини олдини олиш учун кимёвий даволашни бизлар кистанинг типи ва ўлчамлари бўйича буюрдик. Баъзи муаллифлар жарроҳлик амалиёти ўтказиб бўлмайдиган ЖЭ кисталари учун узоқ муддатли, баъзи ҳолларда бутун умрлик кимёвий даволаш усулини буюрадилар. Албендазолнинг таъсир механизмини ўрганиш бизнинг вазифаларимиз қаторига киритилмаган. Шунинг учун бизлар томонимиздан ўтказилган ЖЭ ли беморларни ретроспектив ва истиқболли таҳлилларига асосланиб кимёвий даволаш схемасининг алгоритми DGU №25082 *Жигар эхинококкозида операция олди ва кейинги этапларида кимётерапия (албендазолтерапия) схемаси* ишлаб чиқилди. Назорат гуруҳида албендозолни жарроҳлик амалиётигача барчага 30 кунлик кетма кет курси ва жарроҳлик амалиётидан кейинги 30 кунлик курси буюрилди. Назорат гуруҳидаги (n=180) беморларда кимёвий даволашдан кейин 57(31,6%) нафар беморда дори препарати билан боғлиқ асоратлар кузатилди: бу одатда албендазол билан даволашдан 20 кун ўтиб кузатилди. Асоратлар орасида соч тўкилиши, гепатомегалия, диарея, кўнгил айнаши, заҳарланиш белгилари, тери қопламасидаги тошмалар ва бошқаларни келтириш мумкин.

3 йил мобойнида олиб борилган кузатишлар давомида бизлар томонимиздан таклиф этилган схема бўйича кимёвий даволаш қабул қилган бизнинг ҳеч бир беморимизда таклиф қилинган схематик даво чораларига боғлиқ қайталанишлар юзага келмади. Бу кузатишлар билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Шуни таъкидлаш лозимки ЖЭ кимёвий даволаш йўлдош патологияли беморларда операция олди тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятларининг ўзига хослиги илмий таҳлиллари ўрганилди. Тиббиётнинг ривожланиши инсон умрининг узайишига унинг ҳаёт сифатига таъсир этади. Чунончи ёши катта беморларнинг кўпайиши сурункали қўшимча ёндош патологияларни ривожланишига олиб келди. Бу ҳолат тиббиётнинг турли йўналишларида интеграциянинг кучайишига, жумладан жаррохларнинг ҳам операция олди ва кейинги этапларида соматик беморларга алоҳида тайёргарликни талаб этади. Ретроспектив таҳлиллар натижасида операция олди тайёргарлигининг ўзига хослиги, кимёвий консерватив даволашнинг ишлаб чиқилган схемаси бўйича операция олди тайёргарлигининг ўзига хослиги асосида олиб борилди. ЖЭ операция олди тайёргарлигида юрак ва нафас тизимларини баҳолаш орқали, заҳира имкониятларини ошириш, анъанавий операция олди тайёргарлигидан устун туради. Операция олди тайёргарлиги даврида нафас тизими заҳира имкониятларини аниқлаш, ЖЭ билан оғриган беморларни хавф гуруҳини аниқлаш ва махсус операция олди тайёргарлиги сабабли ўпка вентилияциясидаги 60,2% регрессни 90,5% ($P < 0,05$) гача кўтариш имконини беради. Операциядан олдинги ва операциядан кейинги даврларда тавсия этилган усулдаги профилактик ва патогенетик кимётерапияни қўлланилиши бензимидазол гуруҳига кирувчи препаратларнинг ноҳўя таъсирини сезиларли камайишига таъсир кўрсатди.

“Жарроҳлик амалиёти техникаси ва даволашнинг кам инвазив усуллари ишлаб чиқиш” деб номланган бешинчи бобида, жигар эхинококкозини жарроҳлик усулида даволашда янги тактик ва техник ёндашувлар келтирилган.

РАИР технологиясининг баёни. Жигарни турли жойлардан пункция қилиш мумкин, бироқ зарарланиши ёқимсиз ёки хавфли бўлган бир қатор органларнинг топографик яқинлиги «кўр-кўрона» пункция қилиш жойини чегаралайди. Ҳозирги вақтда жигардаги РАИР ўрнини танлаб олишнинг асосий усули бўлиб, пункциялашнинг латерал интеркостал, олд субкостал ва медиал йўллари хизмат қилади. Латерал интеркостал усули энг кўп қўлланилади, бу ҳолатда жигарнинг чегаралари аниқ белгиланади, нафас ҳаракатлари эса камроқ намоён бўлади. Бундан ташқари, бу зонада йирик қон томирлари, ўт йўллари ва қорин бўшлиғида жойлашган бошқа ички органларнинг чегараланишлари мавжуд эмас. Олд субкостал пункция усули жигарни пальпациялаш имкониятига эга бўлган, V-VI сегментларнинг ЖЭда қўлланилади. У ўт пуфагини зарарланиши ва нафас олиш ҳаракатларида жигарни йиртилиши туфайли хавфсиз эмас. Қовурға – тўш-ханжарсимон бурчак орқали бажариладиган медиал пункция жигарнинг чап бўлагидаги эхинококк кистасининг РАИР тўқима олишга имкон беради. Медиал пункция

жуда кам ҳолатларда қўлланилади. Бу усулда йирик томирларни зарарлантириш ва нафас олганда жигар тўқимасини йиртилиш хавфи жуда кам. Аммо шунга қарамай, бу усул кенг қўлланилмайди, чунки бу соҳадан жигарнинг чегараларини аниқлашда хатоликлар бўлиши мумкин. Майда қисмларга ажратиб ўрганилганда асбобларнинг у ёки бу турини қўллашга боғлиқ ҳолда бажариладиган пункция техникаси, гарчи уни ўтказиш тамойили барча вариантлар учун ягона бўлиб қолса ҳам, турлича бўлиши мумкин. ЖЭли беморларда PAIRни бажариш учун беморни танлаб олиш ва тайёрлаш одатда касалхонада амалга оширилади. PAIR ни амбулатор шароитда амалга ошириш мумкин эмас. Пункцияни амалга оширишга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаганда ва кўрсатмаларнинг мавжудлиги тўғрисидаги масалалар ҳал этилгандан кейин бемор бунга тайёрланиши лозим, яъни: у билан суҳбат ўтказиш, муолажани ўтказиш учун ундан ёзма равишда унинг руҳсатини олиш керак. Касаллик тарихи кундалигида ёки амбулатор картада жигар PAIRдан бир кун олдин ушбу муолажани ўтказиш заруриятининг асосланиши акс этилиши керак. Пункциядан олдин барча беморларда ўнг диафрагма синусининг ҳолати, диафрагмани ҳаракатчанлиги ва туриш баландлигини аниқлаш учун ўпкалар, айниқса ўнг ўпкани физик ва рентгенологик текширувлари ўтказилади. PAIR дан олдин анатомик силжишлар ва йирик қон томирлари, ўт пуфагини жойлашган ўрни, жигарнинг ўлчамлари, шунингдек пункция игнасини киритиш жойини аниқлаш учун ультратовушли текширишлар (УТТ) ўтказиш зарур. Жигардаги PAIR тадбири ва ташхислаш муолажаларининг рўйхати: 1. Тромбоцитлар даражаси ҳам киритилган ҳолда (>100 000/л), қоннинг умумий таҳлили. 2. Қонни кетиш вақти, ивиши. 3. ПТИ. 4. Қон гуруҳи ва резус-таълуқлилиқ. 5. Жигар УТТси. 6. Беморнинг розилик имзоси. 7. Аспирин ва бошқа ностероид дори воситаларини қабул қилишни рад этиш. 8. Беморни нафасни ушлаб туриш қобилятини текшириш зарур, уни PAIR ни бажариш вақтида бир неча марта чуқур нафас ҳаракатларини бажаргандан кейин агар қовурғалараро пункция бажарилаётган бўлса, чуқур нафас чиқаргандан сўнг ва қорин девори орқали пункция бажарилса, чуқур нафас олганда нафасни ушлаб туриши керак. Беморда тушунтириш ишлари олиб борилгандан кейин бир неча марта машқлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1-жадвал

Дренажлаш билан ва дренажлашсиз PAIR усулида даволанган беморларнинг тақсимланиши

Дренажлаш билан ва дренажлашсиз PAIR усули		Абс.	%
	латерал интеркостал,	19	44,2
	олд субкостал	17	39,5
	Пункцияларнинг медиал усули	7	16,3
Жами		43	100

PAIR амалиётини ўтказиш учун қуйидаги анатомик соҳалар орқали амалиёт бажарилади. Бунда латерал интеркостал 19 (44,2%) нафар беморда

бажарилди. Бунда асосан VI-VII-VIII жигар сегментлари соҳасидаги эхинококк кисталари учун қўлланилди. Олд субкостал анатомик соҳаси орқали 17 (39,5%) нафар беморда PAIR амалиёти бажарилди, бунда асосан IV-V-VI сегмент соҳасидаги ЖЭ даволаш учун амалга оширилди. Пункция PAIR амалиётининг медиал усули яъни эпигастрал соҳаси орқали 7 (16,3%) нафар беморда бажарилди, бу асосан жигар чап бўлагидаги эхинококк кистасининг давоси учун ишлатилди.

